

QO‘QON DAVLAT
PEDAGOGIKA INSTITUTI
ILMIY XABARLARI
(2025-yil 2-son)



IJTIMOIIY FANLAR
SOCIAL STUDIES

МАЛИКА ГУЛБАДАНБЕГИМ ҲАЁТИ ВА ФОЛИЯТИ ТАРИХИДАН

Насриддинов Қобул Махаммаджонович.

*Андижон давлат чет тиллар институти,
ижтимоий-гуманитар фанлар ва педагогика,
психология кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди.*

Аннотация Мақолада муаллиф таникли инглиз адибаси Маргарет Румер Годеннинг “Гулбадан” асари асосида темурий, бобурий малика Гулбадан бегимнинг шахсиятига оид фазилятлари, ҳаёти ва ижоди илмий жиҳатдан таҳлил этган.

Калит сўзлар Гулбадан бегим, Маргарет Румер Годен, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Дилдор бегим, Солиҳа Султон бегим, Султон Маҳмуд Мирзо, темурийлар, бобурийлар, Ҳумоюн, Акбар, Қобул, Агра, Бобурнома, Акбарнома.

ИЗ ИСТОРИИ ЖИЗНИ И ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРИНЦЕССЫГУЛБАДАН БЕГИМ

Аннотация Автор в статье на основе научно публицистической произведения английской писательницы Маргарет Румер Годена “Гулбадан” анализирует жизни и деятельности принцессы Гулбадан бегим дочери великого государственного деятеля, поэта Захириддина Мухаммада Бабура.

Ключевые слова Гульбадан Бегим, Маргарет Румер Годен, Захируддин Мухаммад Бабур, Дилдор Бегим, Салиха Султан Бегим, Султан Махмуд Мирза, Темуриды, Бабуриды, Хумаюн, Акбар, Кабул, Агра, Бабурнама, Акбарнама

FROM THE HISTORY OF THE LIFE AND WORK OF PRINCESS GULBADAN BEGIM

Abstract The author of the article, based on the scientific publicist work of the English writer Margaret Rumer Goden “Gulbadan”, analyzes the life and work of Princess GulbadanBegim, the daughter of the great statesman, poet Zahiriddin Muhammad Babur

Keywords Gulbadan Begim, Margaret Rumer Goden, Zahiruddin Muhammad Babur, Dildor Begim, Saliha Sultan Begim, Sultan Mahmud Mirza, Timurids, Baburids, Humayun, Akbar, Kabul, Agra, Baburnama, Akbarnama.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек;
“Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир.

Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси-бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси-аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият, биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлиши, мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушуниш лозимлиги, халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган, миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур”[1]дир.

Таниқли инглиз адибаси Маргарет Румер Годеннинг “Гулбадан” номли ноёб асари 1980 йилда инглиз тилида нашр этилган бўлиб, ушбу асар Бобур халқаро фондининг раиси, маърифатпарвар олим Зокиржон Машрабов бошчилигида илмий экспедиция сафарлари давомида, хорижий мамлакатларнинг бирида қўлга киритилиб, юртимизга олиб келинди ва у кишининг ташаббуси, саъй-ҳаракатлари билан инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиниб, 2007 йили нашр этилди[2].

Маргарет Румер Годен ўз асарида Ҳиндистонда уч асрдан зиёд вақт мобайнида ҳукм сурган бобурийлар салтанатининг ёрқин намоёндаларидан бири бўлган, ноёб истеъдод ва ақл заковат соҳибаси Гулбадан бегим шахсиятини ўша даврнинг мураккаб тарихий воқеалари билан узвий боғлаган ҳолда ўзига хос талқин ва маҳорат билан акс эттирган.

Дарҳақиқат, Гулбадан бегим Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳнинг Дилдор бегим аҳли аёлидан туғилган учинчи қизидир. Гулбадан бегим 1523 йили Кобулда туғилган. Унинг онаси Дилдор бегимнинг ҳақиқий исми-Солиҳа Султон бегим бўлиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг амакиси Султон Маҳмуд Мирзонинг қизи эди. Гулбадан бегим отаси подшоҳ Бобурнинг фармонида кўра катта онаси, яъни Ҳумоюн Мирзонинг онаси-Моҳим бегим қўлида тарбияланади. Чунки, Моҳим бегим подшоҳ Бобурнинг энг севиқли катта хотини, ҳукмдорнинг хотинлари орасида энг оқила ва билимдони эди[2].

1525 йили Моҳим бегим Гулбадан бегимни ўз тарбиясига олади. Гулбадан бегим бутун ҳаёти мобайнида ҳар иккала онасини ҳам самимий эъзозлаган. У ўзасарида онасини «Дилдорбегим» деб, Моҳимбегимни эса «онам ҳазратлари» деб тилга олади. Малика Гулбаданбегим 1529 йилгача Кобулда яшайди.

Отаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонни қўлга киритгач, Моҳимбегим билан бирга подшоҳотаси Бобурнинг ҳузурига-Агра шаҳрига боради. Отаси Бобур вафотидан сўнг, акаси подшоҳ Ҳумоюн саройида яшайди. 1539 йилда Гулбаданбегимни Хизр Хўжахонга турмушга чиқарадилар. Гулбадан бегим ўз турмушидан бир ўғил кўради, исмини Саодатёр деб атайдилар. 1556 йили подшоҳ Ҳумоюн вафотидан сўнг салтанат тахтига унинг ўғли Жалолиддин Акбаршоҳ (1542-1605) ўтиргач, шоҳнинг онаси Ҳамида бону билан Гулбаданбегим шоҳ саройига Деҳлига қайтиб келадилар. Шу тариқа Гулбадан бегим то умрининг охиригача жияни

подшоҳ Акбар саройида яшайди. Гулбадан бегим ўз замонасининг оқила, донишманд аёлларидан эди.

Бизга маълумки, мусулмончилик таомилларига кўра, аксарият ҳолларда вафот этган марҳум зотларнинг исмлари бевосита тилга олинмайди, уларга нисбатан “рахматли” сўзи қўлланилинади. Бу борада ҳам асар ўқувчиси, Бобурий шахзода ва маликалар маънавий баркамол етук тарбия олганларига амин бўлади. Чунки, Акбаршоҳ ҳам малика Гулбадан бегим ҳам Бобуршоҳни “Фирдавс макон”, Ҳумоюншоҳни эса, “Жаннати ошиён” дея тилга олганлар. У жияни Жалолиддин Акбар подшоҳнинг «Фирдавс макон ва жаннат ошён Ҳазрат ҳақидаги воқеалардан нимаики билсангиз, ёзингиз», деган ишорасига мувофиқ, Гулбадан бегим «Ҳумоюннома» номли ажойиб ва илмий жиҳатидан муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлган асарини ёзишга киришади.

«Ҳумоюннома» подшоҳ Бобур билан подшоҳ Ҳумоюннинг ҳаёт тарзи ва саргузаштларининг мухтасар тарихи бўлиб, мантиқан Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қаламига мансуб «Бобурнома» асарининг давомидир. Бу асарнинг муҳимлиги яна шундаки, «Бобурнома» асаридаги айрим воқеаларнинг келиб чиқиш сабаблари мукамал очиб берилаган бўлса, Гулбадан бегим ўз асарида сарой аҳлининг ҳаёт тарзи, шунингдек, тарихий асарларда учрамайдиган подшоҳ Бобур хонадонининг нозик хусусиятлари, оилавий шароитлари, тўй ва аза билан боғлиқ удумлар, уй-рўзғор асбоблари, кийим-кечак турлари каби жиҳозлар ҳақида муфассал ҳикоя қилади.

Гулбаданбегимнинг ёзишича, дастлаб ўз асарини “Аҳволи Ҳумоюн подшоҳ” деб атаган, лекин кейинчалик бу асар «Ҳумоюннома» номи билан машҳур бўлиб кетган. Эҳтимол, Гулбаданбегим асосан акаси Ҳумоюн подшоҳ тарихини яратмоқчи бўлгандир, лекин ҳар қандай ҳолда ҳам отаси Заҳириддин Бобур тарихини эсламай ўта олмас эди. «Ҳумоюннома»нинг Заҳириддин Бобур даврида Ҳиндистонда бўлиб ўтган тарихий воқеаларга бағишланган қисми 38 саҳифадан иборатдир[3]. Гулбаданбегимнинг мана шу қисқа сатрлари фақат унинг ўзигагина хос услубда, форс-дарий тилида сермазмун иборалар воситаси билан баён қилинган.

Кези келганда шуни таъкидлаш лозимки, инглиз адабаси Маргарет Румер Годен ўз асарида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратлари даври тарихини ёритишга 72 саҳифа бағишлаган[4].

Шу аснода, Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг ўрта аср тарихида фақат биргина аёл-Гулбаданбегимнинг қаламига мансуб бўлган тарихий асар “Ҳумоюннома” дунёга келган. Ўрта асрларда «Ҳумоюннома» Мовароуннаҳр, Кобул улуси ва Шимолий Ҳиндистоннинг машҳур тарихчилари ёзнб қолдирган кўпчилик тарихий асарлардан ўзига хос нозик услуби, тарихий воқеалар баёнининг соддалиги ҳамда сермаънолиги билан ҳам ажралиб туради. Аммо, афсуски, асарнинг охириги қисми ўша замоннинг суронли йилларида йўқолиб кетган.

Ҳумоюннома асарини мутоала қилган ўқувчи Заҳириддин Муҳаммад Бобурни Гулбаданбегим учун на фақат мухтарам падари бузург бўлиб қолмай, балки унинг ўрта

аср Шарқ тарихида аёллардан чиққан ягона тарихнавис олима бўлиб вояга етишишда ибрат бўлган устоз бўлганини ҳам англайди. “Хумоюннома” асарида “Бобурнома”да учрамайдиган шундай маълумотлар ҳам борки, уларнинг кўпчилигини Гулбаданбегим ўз бошидан кечирган воқеалар асосида ёзган. Бундай сатрлар Гулбаданбегимнинг ўзига хос ақл-идрокининг мукамаллиги ва чуқурлигини билдирса, унинг таъсирчаи юрак ҳарорати сезилиб турган жумлалари, “Хумоюннома”нинг ўша даврдаги бошқа тарихий асарлардан фарқи бепоёнлигидан ҳам далолат беради.

Гулбаданбегим ҳаёти ва илмий фаолиятини ўрганиш унинг тарихчи олима, шоира бўлиб шаклланишида XV-XVI асрларда Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ҳиндистонда мавжуд бўлган адабий-маданий муҳитнинг таъсири катта бўлган, деган хулосага олиб келади.

Гулбаданбегим “Хумоюннома”да Бобурнинг Ҳиндистондаги Панипат остонасидаги Султон Иброҳим Лўдий билан қилган жанг баёнига тўхтар экан, Бобур қўшинларнинг ҳарбий кучини душман қўшинининг кучига солиштиради ва жанг майдондаги айрим муҳим ҳодисалар ҳақидаги тасаввурини шу жангда иштирок этган хеш ва ақраболарининг муфассал ҳикоялари билан тўлдиради. Айрим ҳолларда эса бу воқеалар тақдирини хал қилган айрим ҳодисаларга ҳам мукамал тўхтайди.

Жумладан, Гулбаданбегимнинг ёзишича, Панипат жангида Бобурга қаршн отланган душман ўн саккиз мингдан ортиқ аскарга ва бир ярим мингга яқни ҳарбий филга эга бўлгани ҳолда ана шундай даҳшатли қўшиига қарши отаси Бобур қўл остида фақат ўн икки минг кишигина бўлиб, улардан урушга ярайдиган қисми фақат олти-етти минг кишини ташкил қилганлигини қайд этган.

Мир Маҳди Мирзонинг “Тазкират ул-ҳавотин” асарида келтирилган “Севгисиз ҳаётда маъно йўқ” мазмунидаги икки байтига қараганда, Гулбадан бегимнинг ғазалиётдан ҳам хабари бўлган.

“Акбарнома” асарининг муаллифи Абул Фазлнинг берган маълумотига қараганда, 1575 йилда Гулбадан бегим Каъбатулло зиёратига жўнаб кетади ва 1582 йилда кўп қийинчиликлар билан зиёратдан қайтиб келади.

Абул Фазлнинг ёзишича, Гулбадан бегим 1603 йил февраль ойида 80 ёшида вафот этади. Акбар подшоҳ уни катта ҳурмат ва эҳтиром билан дафн этдиради. Акбар подшоҳнинг ўзи Гулбаданбегим тобутини ўғил сифатида кўтариб, дафн маросимида ўғиллик бурчини эътимомига етказади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг қиз фарзандларига Гулранг, Гулчеҳра, Гулбадан деб исм қўйганларида, бутун Шарқ оламида “гул”, “атиргул” ардоқлаб, эъзозланишини назарда тутган бўлсалар керак, зеро, Бобурий малика Гулбадан бегим бутун умри мобайнида Гулбаданлигини сақлаб қолган, иймони бутун, такводор муслима эдилар. Дарҳқҳақиқат, Шарқнинг улуғ шоирларида бўлмиш Ҳофиз Шерозий “атиргул самимийлик рамзидар” деганларида Бобурий малика Гулбадан бегимни назарда тутган бўлсалар ажаб эмас.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилиши.<https://www.gazeta.uz/oz/2021/01/19/selector/>.
2. Румер Годен. Гулбадан. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қизи малика Гулбадан бегим шахсига чизгилар.-Т.: “Шарк”,2007.-176 б.
3. Гулбадан бегим Заҳириддин Бобур қизи. Ҳумоюннома. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўғли-Ҳумоюн подишоҳнинг аҳволи. Тошкент. “Маънавият”. 1998.-Б.5.
4. Румер Годен. Гулбадан. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қизи малика Гулбадан бегим шахсига чизгилар.-Т.: “Шарк”,2007.-5-77 бетлар.
5. Турғун Файзиев. Гулбадан бегим.<https://e-tarix.uz/maqolalar/ayollar-tarix/433-gulbadanbegim.pdf>.